

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти ягона акциядорининг  
4-сонли қарори**

2019 йил 29 ноябр

**Тошкент шаҳри**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 36 179 179 408 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

- 1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларини чиқариш.**
- 2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.**

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда 2к-ПО-сонли “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган.

Мазкур буйруққа биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг дастлабки устав капитали 3 617 917 940 800 (уч триллион олти юз ўн етти миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўққиз юз кирк минг саккиз юз) сўм микдорида тасдиқланган ва номинал киймати 100 сўм бўлган 36 179 179 408 дона акциялар давлатга жойлаштирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2019 йилдаги ПҚ-4249-сонли қарорининг 9-бандида янгидан ташкил этиладиган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларининг устав капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига қўшилаётган мулкнинг баланс киймати бўйича амалга оширилиши, кейинчалик мазкур мулкнинг баланс ва бозор кийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устав капиталларига киритилиши белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг дастлабки устав капиталини шакллантириш учун баланс киймати бўйича берилган активлар қайта баҳолатилиб, уларнинг бозор баҳоси ва баланс кийматлари ўртасидаги тафовут 4 373 448 564 872,16 сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига биноан 2018 йил якуни бўйича “Ўзбекэнерго” АЖ устав капиталидаги давлат улушига ҳисобланган дивидендларнинг 348,75 млрд. сўми электр тармоқларини модернизация қилиш ва жамият томонидан жалб қилинган кредитларни тўлаш мақсадида худудий электр тармоқлари



корхоналарига йўналтириш учун “Худудий электр тармоқлари” АЖ устав капиталида давлат улушини ошириш ҳисобига йўналтирилиши белгиланган.

Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “Ўзбекэнерго” АЖнинг Ягона акциядори сифатида тегишли қарор қабул қилиниб, жами 331 312 500 000,0 сўм миқдоридagi маблағлар давлат улуши ҳисобига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ҳисоб рақамига келиб тушган.

Ушбулардан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамиятининг дастлабки устав капиталини шакллантириш учун берилган давлат активларининг баланс ва бозор (баҳолаш) қийматлари ўртасидаги ҳаммаси бўлиб 4 373 448 564 872,16 сўмлик тафовут ва Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида йўналтирилган 331 312 500 000,0 сўмлик маблағлар ҳисобига, Жамият устав капиталини жами 4 704 761 064 872,16 сумга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан умумий қиймати 4 704 761 064 800,0 (тўрт триллион етти юз тўрт миллиард етти юз олтмиш бир миллион олтмиш тўрт минг саккиз юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик қўшимча 47047610648 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг чиқарилиши амалга оширилсин.

2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

акциялар ёпиқ обуна йўли билан Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади;

акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб акциялар бир йил ичида жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади;

акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорига асосан мазкур қарорнинг 1-илоvasида кўрсатилган “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамиятининг дастлабки устав капиталини шакллантириш учун берилган давлат активларининг баланс ва бозор (баҳолаш) қийматлари ўртасидаги аниқланган 4 373 448 564 872,16 сўмлик тафовут ва Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида йўналтирилган 331 312 500 000,0 сўмлик маблағлар ҳисобига амалга оширилади;

жамият устав капиталига киритилаётган тафовут ҳамда берилган маблағлар ва қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг умумий суммаси ўртасидаги 72 сўм 16 тийин миқдоридagi фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади;



акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларининг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009й.) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоевга жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Давлат активларини бошқариш  
Агентлиги директори ўринбосари в.б.



Т.Набиев



“Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг дастлабки устав капитални шакллантириш учун берилган давлат активларининг (улушлари) баланс ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут ҳисобига жамиятнинг устав фондини ошириш ЖАДВАЛИ

Т/р	Корхона номи	“Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг дастлабки устав капитални шакллантириш учун берилган давлат активларининг баланс қиймати			“Hududiy elektr tarmoqlari” AJнинг дастлабки устав капитални шакллантириш учун берилган давлат активларининг бозор қиймати			Тафовут миқдори (сум)
		Фонд	Акциялар сони (дона)	Баланс қиймати (сум)	Фонд	Акциялар сони (дона)	Баҳолаш қиймати (сум)	
1.	«Андижон ХЭТК» AJ	98,15	1731940	303 267 608 519,0	98,15	1731940	380 596 589 623,64	77 328 981 104,64
2.	«Бухоро ХЭТК» AJ	51,0	9 232 300	9 232 300 000,0	51,0	9 232 300	292 869 169 000,0	283 636 869 000,00
3.	«Жиззах ХЭТК» AJ	99,67	38684918	421 392 363 121,0	99,67	38684918	523 471 609 000,0	102 079 245 879,00
4.	«Корақалпоқ ХЭТК» AJ	98,57	9 277 878	245 041 552 700,0	98,57	9 277 878	661 863 000 000,0	416 821 447 300,00
5.	«Кашкадарё ХЭТК» AJ	98,81	28 706 283	216 871 610 300,0	98,81	28 706 283	766 360 393 295,0	549 488 782 995,00
6.	«Наманган ХЭТК» AJ	95,21	10 896 003	306 663 881 000,0	95,21	10 896 003	399 623 030 686,0	92 959 149 686,00
7.	«Навий ХЭТК» AJ	98,78	247 763 803	138 146 008 284,0	98,78	247 763 803	389 250 173 000,0	251 104 164 716,00
8.	«Самарқанд ХЭТК» AJ	98,43	11 006 343	155 546 229 000,0	98,43	11 006 343	528 888 776 000,0	373 342 547 000,00
9.	«Сурхондарё ХЭТК» AJ	99,22	15 004 407	271 317 459 118,0	99,22	15 004 407	281 625 635 080,0	10 308 175 962,00
10.	«Сирдарё ХЭТК» AJ	98,34	22 868 273	297 607 064 281,0	98,34	22 868 273	329 801 741 300,0	32 194 677 019,00
11.	«Тошкент шаҳар ЭТК» AJ	99,66	286 065 986	432 014 131 712,79	99,66	286 065 986	1 227 327 149 046,31	795 313 017 333,52
12.	«Тошкент ХЭТК» AJ	99,69	388 539 562	472 845 078 415,0	99,69	388 539 562	1 186 544 620 000,0	713 699 541 585,00
13.	«Фарғона Х,ЭТК» AJ	51,0	21 134 250	21 134 250 000,0	51,0	21 134 250	358 918 830 648,0	337 784 580 648,00
14.	«Хоразм ХЭТК» AJ	99,58	78 051 236	325 838 404 400,0	99,58	78 051 236	661 796 430 044,0	335 958 025 644,00
15.	«ЭХНАТни жорий этиш дирекцияси» МЧЖ	100,0	-	1 000 000 000,0	100,0	-	1 000 000 000,0	-
16.	Тошкент шаҳр, Миробод тумани, Амир Темур кўнаси, 4-уй манзилида жойлашган “Энергосетиш” филиалининг биноси (1-литер)	-	-	0,0	-	-	1 429 359 000,0	1 429 359 000,00
	<b>ЖАМИ:</b>			<b>3 617 917 940 850,79</b>			<b>7 991 366 505 722,95</b>	<b>4 373 448 564 872,16</b>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойишига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ устав капиталига давлат улуши сифатида йўналтирилган маблағлар миқдори

1.	“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ	331 312 500 000,0 сўм
----	--------------------------------	-----------------------